

МУБОРАК
РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ
НИШОНЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун асрлар давомида эзгулик, меҳр-оқибат, хайру саховат, маънавий покланиш айёми бўлиб келаётган муборак Рамазон ойини бу йил юртимиз мўмин-мусулмонлари ўзгача шукуҳ ва ҳамжихатлик билан ўтказдилар. Айниқса, раҳмат ва мағфират нурлари ёғиладиган ушбу саодатли кунларда кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бўлган шахсларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилаётгани, барча ҳудудларимизда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида эҳсон дастурхонлари ёзилиб, эл-юртимизнинг тинчлиги, бахти ва келажаги учун дуойи фотиҳалар қилинаётгани бу ойнинг фойдаси тароватини янада оширмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бундай савобли ва олийжаноб ишлар ер юзидаги барча инсонларни доимо дўст ва биродар бўлиб яшашга даъват этадиган муқаддас ислом динимизнинг эзгу ғояларини чуқур ҳис этган ҳолда, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни, турли миллат ва конфессиялар ўртасидаги тотувликни мустаҳкамлашга, бугунги ёруғ ҳаётимизнинг қадрига етиб, уни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилмоқда.

Муборак Рамазон ҳайити кунларида янада яққол намоен бўладиган ана шундай анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш мақсадида:

1. Жорий йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни **10 апрель - чоршанба** кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда 2024 йил **10 апрель** куни Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Рамазон ҳайитини халқимизнинг **миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда** ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Туризм қўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Рамазон ҳайити кунларида **мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадимжоларга зиёратларни ташкил этиш** мақсадида қўлай шароит ва имкониятлар яратсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 8 апрель

Yurt taraqqiyoti yoʻlida birlashaylik!

Ishonch

• Oʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan



Рамазон ҳайитида неча кун дам олинади?

Президент фармонида кўра, Рамазон ҳайити муносабати билан кетма-кет 3 кун дам олиш куни белгиланган

Булар:
10 апрель, чоршанба – Рамазон ҳайити куни;
11 апрель, пайшанба – барча учун қўшимча дам олиш куни;
12 апрель, жума – 6 кунликларга қўшимча дам олиш куни, 5 кунликларга 13 апрель, шанбадан кўчирилган дам олиш куни;
13 апрель, шанба – барча учун ИШ КУНИ;
14 апрель, якшанба – барча учун дам олиш куни.

Кун нафаси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2024 йил 8 апрель куни Жиззах вилоятига ташриф бўюди.

Ташриф давомида:



Биринчи манзил Фориш туманидаги «Basalt Uzbekistan» кластери бўлди.



Давлатимиз раҳбари Шароф Рашидов туманида қурилатган «Янги Ўзбекистон» массивини бориб кўрди.



Президентимиз Шароф Рашидов туманидаги Туёқли маҳалласида бўлиб, аҳоли турмуш шароити билан танишди.



Шавкат Мирзиёев «ADM Jizzakh» автомобиль заводи фаолияти билан танишди.



Юртбошимизга Жиззах вилоятида амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари тақдим этилди.



Ўзбекистон Президенти sanoat va energetikaда янги лойиҳаларни бошлашга бағишланган маросимда иштирок этди.



Давлатимиз раҳбари «BMW Holding» компаниясининг Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги агрологистика мажмуасини бориб кўрди.



Президентимиз Жиззах шаҳрида барпо этилган Киберспорт аренасида ёшлар билан учрашди.

ТАҲРИРИЯТДАН:
газетанинг кейинги сонларида Президентимизнинг Жиззах вилоятига ташрифида доир таҳлилий мақола чоп этилиши режалаштирилган.

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олийжаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида «**Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин қўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гурӯҳ шахсларни афв этиш тўғрисида**»ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин қўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **426** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **135** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **200** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **26** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **65** нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартрилди.

Афв этилганларнинг **11** нафарини чет эл фуқаролари, **50** нафарини аёллар, **13** нафарини 60 ёшдан ошган эрактар, **157** нафарини ёшлар (шулардан, **3** нафари воғга етмаганлар) ҳамда **5** нафарини тақибланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўмақ бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

9 апрель – соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

Темурхон

Шафақ бўлолмаган булут армонидай,
Кўкрагимда тушовланган бир от елар.
Мангуликнинг тожидан баланд фармонидан
Шамиш ютиб юборади саркардалар.

Мен туркийга бир ўғиллик даъво этсам,
Кечмишларим кўрингайдир камолимдан.
Музофотлар уйғонмоқда Темурхоннинг
Ҳилпираган байроғининг шамолидан.

Ким мозийнинг саҳифасин сайқал этар,
Ким боқийлик санъатидан юзин бурган.
Лек Темурхон чинор эрур, илдизлари
Ер шарининг нарёвидан чиқиб турган.

Навоийдан, шоҳ Бобурдан сабоқ олиб,
Бош кўтарса қалбингизнинг нолалари.
Таъзим айланг, ул азияллар Темур тоғин
Ён бағридан униб чиққан лолалари.

Оврўпони тасбеҳдайин қўлда тизиб,
Шарқ қуёшин тигларидан туғ қадаган.
Йилдиримдай ўтаётган ҳар наслга
Бобо Кулол қафтларидан дуо олган.

Шул бобога бир ўғиллик даъво этсам,
На сафларга, на сарҳадга арзир тилак.
Саркардалар ўлмайдилар, номус мангу,
Унга фақат яхши навкар бўлиш керак.

Шодмонқул САЛОМ

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясида куну тун
фаолият кўрсатадиган
қисқа рақамли

12 11

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



ХУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ ЭКСПЕРТИЗА ҚИЛИШДА...

САВОЛ: Эшитишимча, касаба уюшмалари жамоат ташкилоти бўлгани ҳолда давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари бўйича экспертиза ўтказиши мумкин экан. Қайси қонунга асосан касаба уюшмаларига бундай ваколат берилган?

Асака тумани

Авазбек ЭРМАТОВ

ЖАВОБ: «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг жамоатчилик экспертизаси тўғрисидаги 43-моддасига мувофиқ касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат, давлат органлари, иш берувчиларнинг, уларнинг бирлашмалари (иттифоқлари, уюшмалари) қарорлари лойиҳаларини, шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиши мумкин.

Касаба уюшмаси, касаба уюшмалари бирлашмаси норматив-ҳуқуқий ҳужжат, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳасининг мазмунидан умуман ёки унинг бирон-бир қисмидан норози бўлган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжати, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни қабул қилувчи органга тегишли хулоса киритишга ҳақли.

Касаба уюшмасининг, касаба уюшмалари бирлашмасининг ходимлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тўсқинлик қилувчи ёки уларни чекловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бундай ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги тавсиялари ва ёзма суровлари қўриб чиқишли шарт бўлиб, қўриб чиқиш натижалари ҳақидаги асосли хулосалар кейинчалик касаба уюшмасига, касаба уюшмаларининг бирлашмасига юборилади.

Иш берувчиларнинг қарорлари, жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси касаба уюшмалари бўлиналари ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Фаргона вилояти

Ҳуқуқ

УЛАР ИШДАН НОҲАҚ БЎШАТИЛГАН ЭДИ

Хайринисо Маҳмудова Кувасой шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимида бош мутахассис лавозимида ишлаб келаётган эди. Бироқ штатлар қисқариши туфайли у билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг 2023 йил 15 августдаги буйруғи билан бекор қилинади. Боз устига, унга ҳеч қандай иш ўрни таклиф этилмайди. Шу тариқа у ишсиз қолади. Ишга тикланиш масаласида кўп жойларга кўмак сўраб боради, лекин натижа бўлмайди.

Фурқат тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ходими Гулчирай Аҳмедованинг бошига ҳам худди шундай тавбиш тушади. У билан тузилган меҳнат шартномаси ҳам иш берувчининг буйруғига кўра бекор қилинади. Иш берувчи «Сўзининг штаингиз қисқартирилди», деган ваз билан уни осонгина ишдан бўшатади.

Ҳар иккала ходим ишдан ноҳақ бўшатиладиган норози бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фаргона вилояти кенгашига арз қилади.

Мурожаатлар кенгаш ҳуқуқшунослари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишда иш берувчи томонидан бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани маълум бўлди.

Аслида эса уларнинг иш штатлари Президентнинг 2023 йил 1 июндаги фармониغا асосан янги ташкил этилган Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ўтказилган. Ўғни, бу жараёнда уларнинг иш жойи қисқартирилиши эмас, меҳнат шартномасининг шартларига ўзгартириш киритилиши кўрсатилган. Улар меҳнат қилиб келган муассаса Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимидан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ўтказилган. Бунда уларнинг штатлари сақланиб қолиниши кўз тутилган.

Шундай бўлса-да, ишдан бўшатилган ходими ишга тиклаш бўйича иш берувчилар билан музокаралар узоқ давом этди. Касаба уюшмаси аралашуви билан ғайриқонуний ишдан бўшатишнинг ходимларнинг меҳнатга оид бузилган ҳуқуқлари судда ҳимоя қилинди.

Суд қарори билан Гулчирай Аҳмедова Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Фурқат тумани ва Хайринисо Маҳмудова Кувасой бўлимига ишга тикланди. Уларга мажбурий прогнул кунлари учун жами 69 миллион 461 минг сўм иш ҳақи ва маънавий зарар пуллари ундириб берилди.

Авазхон ТўРАХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Фаргона вилояти
кенгаши бош юрисконсульти

Тошкент
вилояти

Ташаббус

БИЗ ҲАМ ҲИССА ҚЎШАМИЗ!

Айни кунларда бутун республикамиз бўйлаб «Яшил макон» лойиҳаси доирасида кўчат экиш ишлари авж олган. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши ходимлари ҳам бу хайрли ишларга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишмоқда.

Вилоят кенгаши ходимлари, туман ва шаҳар кенгашларидаги бошланғич ташкилотлар, оромгоҳ ва сихатгоҳлар меҳнаткашлари томонидан шу кунга қадар жами 3000 тупдан ортқ меваги ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Яна бир муҳим жиҳати, ҳар бир ходим ўз ташаббуси билан Ўрта Чирчиқ туманидаги бир нечта мактабга бориб, 20 тупдан кўчат ўтказди.

– Ўзим таълим олган, қолаверса, ҳозир фарзандларим ўқиётган мактабга кўчат экишни ният қи-

либ юргандим, – дейди вилоят кенгашининг Маданий-маърифий ишлар бўлими мудри Баҳодир Холмурзаев. – Бугун савобли ишга улушим қўшилганидан хурсанд бўлдим.

Ҳозир ҳам соҳа ходимлари иштирокида «Яшил макон» лойиҳаси доирасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Сирдарё
вилояти

Семинар

КЕНГ ТУШУНЧАЛАР БЕРИЛДИ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Гулистон тумани кенгашида барча умумтаълим мактаблари директорлари, мактабга таълим муассасалари мудирлари ҳамда туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими масъуллари иштирокида «Меҳнат муносабатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши ҳамда ходимлар учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Ўз вазифаларини бажариш учун етарли шарт-шароитлар яратиш, меҳнат низоиси комиссиялари фаолиятига тўсқинлик қилишга чек қўйиш каби масалалар бўйича тушунчалар берилди.

Шунингдек, семинар иштирокчилари Меҳнат кодекси талаблари, меҳнат қонунчилигидаги норматив ҳужжатларга

риоя қилиш борасида кенг тушунчаларга эга бўлишди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам батафсил жавоблар олишди.

Ўсаркул УСАНОВ,
Таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Гулистон
тумани кенгаши раиси



Қашқадарё
вилояти

Мусобақа

ШИДДАТИ БАЛАНД АЁЛЛАР

Мубораклик педагоглардан ташкил топган ҳаваскор волейбол жамоалари ҳар йили тармоқ миқёсида ўтадиган мусобақалар ёки вилоят спартакиадаларида совринли ўринларни эгаллаб келишади.

Бу муваффақиятлар бежиз эмас, албатта. Туманда спортнинг оммавийлигига эътибор анча юқори. Режада белгиланган тадбирлар ҳам ўз вақтида, энг муҳими, ҳар бири кескин курашлар остида ўтади.

Яқинда Муборак касб-хуна мактаби спорт залида мактаблар ва касб-хуна таълими муассасаларида ишлайдиган хотин-қизлар жамоалари ўртасида волейбол турнири ташкил этилди.

13 та жамоа қатнашган баҳсда 21-умумтаълим мактабига омад қулиб бокди. 22- ва 1-мактаб жамоалари эса кейинги совринли ўринларни банд этишди.

Ғолиб ва совриндорлар Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Муборак тумани кенгаши томонидан муносиб тақдирланди.

Маягўзал МУҲАММАДИЕВА,
Муборак туманидаги 22-умумтаълим
мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси



Наманган
вилояти



Ишчи-ходимларнинг билим ва салоҳиятини ошириш, меҳнатга бўлган иштиёқи ҳамда малакасини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши ҳамда Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси ташаббуси билан «Заковат» интеллектуал ўйинининг вилоят босқичи ўтказилди.

«ЗАКОВАТ» ЭНДИ ИШЧИ-ХОДИМЛАР ЎРТАСИДА

Тармоқ тасарруфидаги корхона ва ташкилотларнинг ишчи-ходимлари ўртасида ташкил этилган мазкур мусобақанинг вилоят босқичида барча жамоалар аъзолари фаол иштирок этишиб, ўз билимларини синовдан ўтказишди.

Билимдонлар беллашувида 1-ўринни «ЎЗЧасис» МЧЖнинг «Зуккуллар», 2-ўринни «Мехмаш» МЧЖнинг «Мехмаш», 3-ўринни эса «Ёш резба кесувчилар» жамоаси вакиллари қўлга киритишди. Албатта, биринчи ўринни

эгаллаган жамоа интеллектуал ўйиннинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Барча ғолиблар ва иштирокчиларга ташкилотчиларнинг совғалари ва дипломлари топширилди.

Алимадон ТўХТАНАЗАРОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Наманган вилояти кенгаши раисининг ёшлар
масалалари бўйича маслаҳатчиси

Самарқанд
вилояти

БИЛИМДОНЛАР БАҲСИ

Самарқанд шаҳрида Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмасида анъанага айланган «Заковат» интеллектуал ўйинларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Билимдонлар баҳсининг илк босқичида 20 тадан ортқ жамоа иштирок этиб, 5 та жамоа галдаги беллашуларга йўллангани қўлга киритганди. Топқирлар томонидан 24 та мазмунли ва мантйик саволларга жавоб йўланди. Натижага кўра, дастлабки икки ўрин «Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖнинг 1- ва 2-жамоаларига насиб этди. Учинчи ўринни эса «ЎЗ-Авто ТРАЙЛЕР» МЧЖ жамоаси қўлга киритди. «ЎЗ ТБМ» МЧЖ (МАН) заводи ва «Элхолдинг» ИИЧБ жамоалари «Ғалабага бўлган интилиш» но-

минацияси эгалари деб топилди. Интеллектуал майдонда ўзини кўрсатган барча ёшларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси Сўҳроб Рафиқов уч кунлик бепул саёхат сертификатларини топширди.

Сирожиiddин ИЗЗАТУЛЛАЕВ,
Металлургия ва машинасозлик
саноати ходимлари касаба
уюшмаси Самарқанд вилояти
кенгаши Ташкилий ишлар
бўлими мудри



«SURXON
RIELTOR SERVIS»
МЧЖ ОЧИҚ
АУКЦИОН
САВДОЛАРИГА
ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Бошланғич баҳоси босқич-ма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Angor paxta tozalash» акция-дорлик жамиятига тегишли бўлган, Ангор тумани, «Гиламбоб» маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 2000,0 кв.м, фойдали майдони 99.75 кв.м. бўлган ошхона ва айвон бинолари қўйилмоқда.

Мулкнинг бошланғич баҳоси: 129 030 000 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2024 йил 6 май куни соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 162-уй, 1-хонадонда ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, 2024 йил 3 май куни соат 18:00гача қабул қилинади.

Юқоридаги мулк 2024 йил 6 май куни аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо ғолиби белгиланган муддатда шартномани имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартларини бажармаса, такрорий очиқ аукцион савдоси ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Савдода иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объектлар билан «Angor paxta tozalash» акциядорлик жамияти масъул ходимлари иштирокида танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) календар кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган санадан 2 (икки) ой муддат ичида мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва ҳуқуқий шахслар закалат келишуви тузилганидан кейин объект бошланғич баҳосининг 10% (ўн) фоизи миқдорида «Surxon rieltor servis» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: АТБ «Ҳамкорбанк» Термиз филиали, МФО: 00083 СТИР: 304558702, х/р 2020 8000 3007 1118 3001) закалат пули тўлашлари ва закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами);

Ҳуқуқий шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда. СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

Мурожаат учун манзил: «Surxon rieltor servis» МЧЖ. Термиз шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 162-уй, 1-хонадон. Телефон: (76) 221-90-36.

Лицензия РР-0291.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 26.07.2010 йилда №186-рақам билан рўйхатга олинган МЧЖ «SUNGREEN TEX» ХК (СТИР 207091265) таъсисчилар умумий йиғилиши қарорига асосан МЧЖ «ALKIM TEKSTIL» ХК (СТИР 204681499)га бириллашмоқда.

МЧЖ «ALKIM TEKSTIL» ХК барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича МЧЖ «SUNGREEN TEX» ХКнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Мурожаатлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

Тошкент вилояти, Ангрн шаҳри, 5/3 мавзе, «Кимёгар» МФЙ, 258.

Телефон: (99)727-49-90

ЮРТИМИЗ НАФАҚАТ ЯШИЛ, БАЛКИ ОБОД МАКОНГА ҲАМ АЙЛАНСИН

Долзарб мавзу

Яқинда Президентимиз раислигида «Яшил макон» лойиҳаси доирасида баҳорги экиш мавсумини ташкил қилиш ва чиқиндиларни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда жорий йил кўкламида бошланган «Яшил макон» лойиҳасини жойларда амалга ошириш жараёнлари билан бир қаторда, чиқиндилар билан ишлаш соҳаси танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинди. Чунки бугунги кунда чиқиндилар атроф-муҳит, иқлим ва табиат, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолати, энг ачинарлиси, инсонлар саломатлиги ва мамлакат имижига салбий таъсир кўрсатувчи халқаро миқёсдаги долзарб муаммолар кўпайишига сабабчи бўлмоқда.

Биз маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида мавжуд ҳолат, муаммо ва ечимлар, уларни ижобий ҳал этиш юзасидан давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси Ислон ХУШВАҚТОВ билан суҳбатлашдик.

– Айтинг-чи, ҳозир мамлакатимиз бўйича йилга қанча чиқинди хосил бўлади? Аҳолига санитария хизматлари кўрсатиш, яъни чиқиндиларни йиғиш, саралаш ва полигонларда жамлаб, қайта ишлаш борасида қандай тадбирлар амалга ошириляпти?

– Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳар йили 14-14,5 миллион тонна маиший чиқиндилар чиқади. Аини кезларда санитар тозалаш корхоналари томонидан 8759 та маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисига маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш хизматлари кўрсатишмоқда. Бу ишлар «Тоза ҳудуд», «Махсу-транс» ва «Марокандобоб» давлат унитар корхоналари, 50 та давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритаётган ҳамда 93 та хусусий корхона томонидан бажаришмоқда. Санитар тозалаш корхоналари тасарруфида 4282 та махсус техника, 4037 та чиқинди тўплаш майдончаси, 19335 та чиқинди контейнери мавжуд. Хизматлар билан қамров даражаси 93,1 фоизни ташкил этади.

Маиший чиқиндилар қўмиладиган ва жойлаштирилаётган 221 та полигоннинг умумий ер майдони 1493 гектар. Уларда 2 миллиард тоннага яқин маиший чиқиндилар сақланмоқда. Вилоятлардаги 31 та чиқинди полигони санитар-экологик меъёрий талабларга жавоб бермагани ва тўлиб қолгани сабабли фаолияти тўхта-тилган.

Бултур республика ҳудудларидан йиғиб олинган 6,8 миллион тонна чиқиндининг 38 фоизидан зиёроғи 313 та махсус корхона томонидан қайта ишланди. Чиқинди полигонларини бошқариш ва соҳага замонавий техникаларни жалб этиш бўйича 2024-2026 йилларга мўлжалланган манзилли дастурга мувофиқ, жорий йилда ушбу иншоотлардан 36 тасини рекултивация қилиш, 6 тасини тартибга келтириш ва чиқиндилар қайта ишланадиган 3 та станция қуриш ишлари олиб борилмоқда.

– Албатта, соҳада ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам бор. Келгусида уларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилади?

– Президентимиз жорий йилнинг 4 январидида «Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолади. Бу ҳужжатда чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини кескин ошириш, уларнинг полигонларда тўпланиб қолишининг олдини олиш, атроф-муҳитга салбий таъсирини минималлаштириш, «ноль чиқинди» тамойилинга эришиш, айланма (циркуляр) иқтисодиётни ривожланти-

риш бўйича қатор вазифалар қайд этилган.

Аҳолига чиқиндихоналарга айланган ёки узлуксиз равишда чиқиндилар ноқонуний равишда ташлаб кетилиши кузатиладиган ҳудудларга шахсий ташаббуси ҳамда ўз маблағлари ҳисобидан фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш масаласида вазирликка буюртма бериш имкони яратилди. Шунингдек, жавобгарликка тортиш чоралари қўлланилиши натижасида жарима тариқасида ундирилган маблағларнинг 20 фоизи буюртма берган шахсларни рағбатлантиришга ажратиладиган бўлди. Бу одамларни ўз ҳудуди озодалигини назорат қилишга ундайди. «Хавфсиз шаҳар» интеграцияланган тизими доирасида камералар орқали экологик ҳуқуқбузарликларни аниқлаш тартиби жорий қилиниши эса, соҳада назорат тизими самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Энг асосийси, ходимларни рағбатлантиришнинг янги механизмлари жорий этила бошланди. Санитар тозалаш корхоналари ҳамда ободонлаштириш бошқармаларининг тозалаш юмушлари билан шугулланувчи ходимлари меҳнатларини рағбатлантириш мақсадида соҳа ишчиларига, экофаоллар ва жамоатчилик экология назоратчиларига Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ойда 100 тадан велосипед ва бошқа мукофотлар берилиди.

Яширишнинг ҳождати йўқ, бугунги кунда санитар тозалаш хизматлари учун тўловларни амалга оширишда инсон омили юқори эканлиги, марказлашган электрон тўлов тизими амалиётга тўлиқ татбиқ этилмагани туфайли соҳада дебитор қарздорлик кўпайган. Шу боис бу борада бир қатор механизмларни, жумладан, хизматлар учун электрон тўлов тизимларини амалиётга татбиқ қилиш мўлжалланмоқда. Аввало, барча санитар тозалаш корхоналари Ягона электрон тизимга уланган ҳолда фуқароларга хизмат кўрсатишини йўлга қўйиш, ушбу талабни бажармаган корхоналар билан ўзаро тузилган шартномаларни бекор қилиш ва улар хизмат кўрсатадиган ҳудудларни давлат-хусусий шериклик асосида бошқа корхоналарга бириктириш механизми жорий этилмоқда.

Соҳадаги ҳуқуқбузарликларга нисбатан маъмурий чоралар кўчайтирилмоқда. Чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жарима миқдорини ошириш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли бўлмиш ашёни мусодара қилиш кўзда тутилган. Чиқиндиларни майдончалардан ноқонуний олиб чиқиш кетиш, шунингдек, ўз ҳудудларини тозалашга масъул жисмоний ва юридик шахслар вазифаларини бажарма-



гани туфайли атроф-муҳит ифлослангани учун жавобгарлик белгиланиши назарда тутувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқади. Маиший чиқиндиларни қайта ишлаш фаолияти янада рағбатлантирилади. Айрим чиқиндиларни қайта ишлашни ёки экологик жиҳатдан хавфсиз утилизация қилишни ўзлаштирган тадбиркорларга «яшил субсидиялар» ажратиш тизими ишга туширилади. Маиший чиқиндиларни саралаш жараёнларини босқичма-босқич олиб бориш ниятида баъзи шаҳар-туманларда махсус лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Бунда чиқиндилар тегишли майдончаларда «қайта ишланадиган», «қайта ишланмайдиган» ва «озик-овқат» тоифаларига ажратилган ҳолда йиғилади ҳамда тоифалари бўйича турли рангларда тайёрланган махсус чиқинди пакетлари фуқароларга бепул тарқатилади.

– Мукаддам «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда тайёрланганини хусусида маълумот берилган эди. Ҳўш, бугунги кунда унинг тақдирини нима бўлди?

– Парламент назорати натижаларидан маълум бўлишча, талай ишлар адо этилганига қарамай, соҳада камчиликлар ҳамон сақланиб қолмоқда. Тизимда бозор иқтисодиёти механизмлари, хусусан, давлат-хусусий шериклик, хусусий сектор таъсири сезилмайди. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш хизматлари кўрсатилмайдиган ҳудудларни тадбиркорларга имтиёзли равишда бириктириб бериш тўғрисидаги топшириқ тўлиқ бажарилмаган. Чиқинди полигонларининг аксариятида чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш талабларига риоя қилинмаган. Полигонлар қуриладиган жойларда геологик ва гидрогеологик тадқиқотлар, экологик экспертизалар ўтказилмаган. Бу иншоотлардан айримлари санитария-эпидемиология хулосасисиз фаолият кўрсатапти. Чиқиндилар қўмиладиган ва утилизация қилинадиган баъзи жойларда давлат кадастри тўлиқ расмийлаштирилмаган. Бошқаларида мамлакатимиз шароитида қаттиқ маиший чиқиндиларни махсус полигонларда сақлаш ва зарарсизлантиришга оид санитария талабларига асосан чиқинди паспорти ишлаб чиқилмаган, шу боис чиқиндилар ҳисоби юритилмайди, санитар химоя, кузатув зонаси мавжуд эмас. Полигонлар тўлиқ ичимлик суви, электр энергияси билан таъминланмаган, айримларида овқатланиш хонаси ва ҳолатхона йўқ. Энг таассуфланарлиси, аксариятига



«ISHONCH» мухбири
Гулрухбегим ОДАШБОЕВА
суҳбатлашди



Одамларни алдаманг...

Якшанба эди. Бозорда айланиб юрганимда, тиланчилик қилиб ўтирган бир аёлни учратиб қолдим. У ораста кийинган, қўлида бир ёшлар атрофидаги гўдакнинг суратини кўтариб, «Мана шу боланинг операцияси учун пул керак, ёрдам беринг, илтимос», дея зорланарди.

Суратдаги болага разм солдим: жуссаси озгин, қорни ва боши дока билан танғиб ташланган, биланга қандайдир аппарат уланган, ўзи уклаб ётибди. Хуллас, сурат қандай қаҳри қаттиқ одамниям ўйга толдиради. Одамлар аёлга раҳми келиб, унинг ёнига ёйилган рўмолига пул ташлаб ўтишарди.

Мен аёлга яқинлашдим ва эғлиб: «Бу болага нима бўлган?» деб секин сўрадим. У бунақа саволни кутмаган шекили, кўзлари катта-катта бўлиб кетди.

– Операция қилиниши керак... – негадир ерга қатлаб гапирди у.
– Касали қанақа? Қанча пул кетади операциясига?

– Докторлар ҳисоблаб энди айтишади.
– Ўзингиз қайси маҳаллада яшайсиз? Кайсидир «дафтар»га рўйхатга олинганмисиз?
– Унақа нарсаларни тушунмайман, аммо шароитимиз оғир...
– Ҳозир ҳокимликка кўнғироқ қиламан. Сизга иложи борича ёрдамлашади. Чунки сиздек қийналган инсонларга «Саховат ва кўмак» жамғармасидан имкон қадар ёрдам кўрсатиляпти.

Телефонимни қўлимга олишим биланок, аёл қаддини ростлаб, бироз дадиллашди.
– Мен бу ерлик эмасман, – деди у шоша-паша.
– Суратдаги бу болам ҳозир катта-

рок, яъни етти ёшда. Аммо касал-да, барибир. Пул керак...

Бунни эшитиб, ханг-манг бўлиб қолдим. Ахир мен бу аёлга чин дилдан, қўлимдан келганича ёрдам беришга тайёр эдим. Шу гапидан кейин бир сўз демай, рўмолига ҳамма қатори пул ташладим-да, йўлимда давом этдим.

Бу воқеага икки йил бўлди. Яқинда ўша бозорга яна йўлим тушди. Не кўз билан кўрайки, худди ўша аёл ўтган-кетгандан ёрдам сўраб, тиланчилик қиларди. Қўлида эса ҳу-в ўша болаканинг сурати...

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Ажабо!





Саломатлик

Юртимизда баҳор. Чор-атрофда уйғониш фаслининг дилларга ажиб бир илиқлиги ва кўтаринкилик бахш этувчи насимлари ва ифोरлари. Дов-дарахтлар уйғониб, атрофга гўзаллик, тароват улашяпти. Кўклам баҳорни, баҳорий таомларни соғинганларга ўзининг бе-миннат неъматларини улашмоқда.

БАҲОР НЕЪМАТЛАРИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИНГ

Ха, баҳор шундай саҳий. У киш бўйи саломатлик учун зарур бўлган витаминларни сарфлаб, кўк-ламга толиқиб чиққанамизда бизни қувватбахш неъматлари билан меҳмон қилади.

Хусусан, бу даврга сабзавот ва кўкатларни хомилгича ейиш айни мўлдоодир. Карам, давлага, картошка, кўк салат, кўк нўхат, кўк пилёз, редиска кўшиб тайёрланган салатлар иштаҳани очиши билан бирга, танамизни фойдали озука билан таъминлайди.

Айни баҳор мавсумида бир ҳафта давомида буғдойни кўкартириб, яна бир кун давомида пишириладиган сумалак ва ҳалимни эсдан чиқармаслик керак. Маълумки, шифобахшлиги билан ҳам-манинг сеvimли егулигига айланган бу таомлар танамизга қувват бағишловчи оксиллар, ёғлар, карбон сувлар, минерал моддалар, дармондориларга нияҳтда бой бўлади.

Кўкларнинг шифобахш анъанавий таоми бўлган сумалак қонни тозалайди, жисмни тетиклаштириб, куч-қувватни оширади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, сумалак гипертония, гепатит, буйрак, меъда-ичак хасталиқларига яхши даво бўлиб, қон таркибини яхшилайдди, асабини тинчлантиради.

Ҳалим тайёрлашда буғдой, гўшт, ўсимлик мойи ишлатилгани сабабли бу таом оксилга жуда бой бўлади. Оксил эса инсон организмиде «қурилиш материали» вазифасини бажаради. У организмнинг касалликларга қарши курашиш қобилиятини оширади. Халқ табобатида ҳалим таркибидеги экстрактив моддалар меъда-ичак, марказий асаб тизими, мия, юрак фаолиятини яхшилашга ёрдам бериши исботланган. Бу таом ҳам албатта, сахарлик дастурхонига тавсия этилади. Ифторликда ҳалимни имкон қадар истеъмол қилмаслик лозим, сабаби, у секин ҳазм бўлади.

Баҳоргагина хос бўлган кўкатлардан тайёрланган таомлар ва салатлар танага мадор бўлиши билан бир қаторда, уни керакли моддаларга тўлдириб, организмни турли хилтлардан тозалайди.

Чунки улар таркибиде турли хил витаминлар, оксил, эфир мойлари, кислоталар, темир, рух, фосфор, калий, кальций, мағний каби элементлар ва бошқа биологик моддалар бор. Ялпиз, жағжағ, исмалоқ, откулоқдан тайёрланган сомса, чучвара, мантининг таомномада бўлиши қувватингизни оширади. Кечки дастурхонга эса шивит, қашниқ, редиска, кўпиёз солинган қатик тавсия этилади. Гулқарам, бодиринг, помидор кўшилган салатлар ҳам фойдали ҳисобланади.

Баҳор фаслида тўйиб истеъмол қилинган махсулотлар йил давомида бизга куч-қувват, дармон бағишлаб туради. Шундай экан, бугунги ганимат кунлардан фойдаланиб қолайлик – баҳор неъматларидан баҳраманд бўлайлик!

Раъно МАҲКАМОВА
тайёрлади

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 70 йиллигига

ХУДО
ХОҲЛАМАСА...
УЧРАШАРМИДИК

Муҳаммаджон билан 1980-1982 йилларда Республика китобхонлар жамиятининг тарғибот бўлимида, битта хонада ўтириб ишлаганмиз. Икки йилдан ошқик вақт давомида биргаликда жамият фаолияти билан боғлиқ турли ишларни амалга оширганмиз. Бундан ташқари, Бўкадаги далаларда чиқиб, 10-15 кунлаб баракларда ётиб, пахта терганмиз. Ижарада турши учун уй қидирганмиз. Қишлоқдан қариндошлар ёки таниш-билишларимиз келса, меҳмон қилганмиз. Умуман, кўп яхши-ёмон кунларни бирга ўтказганмиз.

Эсимда, Муҳаммаджон билан ҳар кун ишхонамиз атрофидаги ошхоналарга тушликка чиқардик. Шундай кунларнинг бирида олдинги ишхонам «Ўқитувчи» нашриётида бирга ишлаган қизлар – Назира, Холида, Раҳима, ва Сайёра билан ошхонада тасодифан учрашиб қолдик ва битта столда овқатландик. Мен Муҳаммаджонни уларга, уларни Муҳаммаджонга таништирдим. Қизлар орасидаги Назирага ишора қилиб, бу менинг жияним, деб ҳазиллашдим. Аслида Назира билан ўртағида ҳеч қандай қариндошлик ришталари йўқ эди, унинг отаси Ғайбулла Саломов ва онаси Шаҳрибону янга билан бир жойдан, яъни Хатирчидан бўлганмиз учун у менга «тоға» деб мурожаат қиларди. Мен ҳам Назирадаги соддадилликни, самимиятни, мени ўзига қариндошдек тутишини, шоирлигини ҳурмат қилардим. Матбуотда ё туپмаларда чиққан шеърларини ўқиб қолсам, улардан олган таассурларимни ўзи билан ўртоқлашардим.

Назира романтик руҳдаги шоира эди. Унинг сатрларида хали тарқ этилмаган болаликнинг бегубор ҳаяратлари, табиат гўзаллигига ошфутта қалбнинг орзиқлишлари, сирли муҳаббат билан боғлиқ руҳий кечинмалар доим биринчи ўринда турарди.

1981 йилнинг охирида бўлса керак, бир кун Муҳаммаджон билан тушликда яна Назиранинг дугоналари билан битта столда ўтириб, овқатланишга тўғри келди. Тушлиқдан сўнг ёш шоир билан Навоий кўчаси бўйлаб биров айландик. Шунда Муҳаммаджон менга: «Бахтиёр жүра, Назирахон сизни жуда ҳурмат қилади, орага тушиб иккалаимизни янада яқинроқ таништириб қўйсангиз, мен уни яхши кўриб қолдим, агар рози бўлса, уйланаман», деди. Мен унинг дабурустдан айтган бар гапидан хайрон бўлдим. Чунки анча вақтдан бери битта хонада ўтириб, бирга юрсак-да, у Назирага бўлган муносабати ҳақида бирон марта ҳам гапирмаганди. Мен сир бой бермай, «Майли, Назира билан бир гаплашиб кўраман», дедим.

Хонага чиққач, фикрим ўзгариб «Яхшиси, сиз унга хат ёзинг, севги ҳақидаги шеърларингиздан ҳам қўшинг, ичингизда борини тўқиб солинг» деб маслаҳат бердим. У аввалига рози бўлмади, «Ёш бола эмасман-ку, нима қиламан хат ёзиб?..» деди. «Унда

мен сизларни учраштириб қўяман, ҳамма гапни унга ўзингиз айтасиз», дегандим, у «Йўқ, айтолмайман, яхшиси, хат ёзаман», деди. Бу пайтда мени кимдир йўқлаб келиб қолди ва мен у билан гаплашгани ташқарига чиқиб кетдим.

Орадан бирон соат ўтгач, Муҳаммаджон кўлимга конверт тутқазиб, «Менга ноқулай, илтимос, шуни Назирага бериб қўйсангиз», деди. Шундан сўнг хатни чўнтакка солиб, «Ўқитувчи» нашриётига қараб йўл олдим. У ердан Назирани топиб, унга бўлиб-ўтган гап-сўзларни айтдим, хатни бердим. У хатни олишни ҳам, олмаслиқни ҳам билмай, биров иккилашиб турди. Мен унинг ҳолатини сезиб, мен сизга ёмонлиқни раво кўрмайман-ку, деб ортга қайтдим. Муҳаммаджон

юзма-юз гаплашиб олмасам бўлмайдиганга ўхшайди, шекилли», деди-да, маҳзун ҳолда ташқарига йўл олди...

Муҳаммаджон биров чапани ва қайсар, камгап, аммо кўнглида кири йўқ, ҳаммага яхшилик қилишни истайдиган, дилидагини тилига чиқариб айтидиган инсон эди. 1982 йил баҳориде шахсий кутубхона эгаларининг республика слёти ўтказилди. Унда вилоятлардаги турли туман ва шаҳарларда яшаб, ўз уйдаги китобларини бошқалар билан баҳам кўраётган китобсеварлар иштирок этишди. Тадбир тугагач, мен мазкур анжуман ҳақида кичикроқ бир мақола ёздим. Муҳаммаджонга «Сиз рус тили ва адабиёти институтини тугатгансиз, мана бу мақолани рус тилига ўгириб берсангиз, уни Москвада



1981 йилда Муҳаммад Юсуф иккалаимиз бирга тушган сурат

мени кўриши биланок «Нима бўлди?» деб сўради. Мен ҳаммаси яхши бўлишини айтиб, қулиб қўйдим...

Орадан уч кун ўтгач, Назирани топиб, ундан хатнинг «тақдирини» сўрадим. У: «Тоға, сиз Муҳаммаджон шоир, хатда нима ёзган бўлса, эринмай ўқиб чиқасиз-да, дегандингиз, лекин конверт ичидаги катта бир варақда бор-йўғи тўртта сўз – «Назирахон, менга турмушга чиқсангиз», деб ёзилган экан, холос», деди қулиб. Мен «Бўлажак катта шоир бор-йўғи шу нарсани ёзиптими?!» дедим ва ундан жавобини Муҳаммаджон интиқлиқ билан қутаётганини жиддий оҳангда сўрадим. Назира биров жим турди. Сўнг, «Тоға, сиз Муҳаммаджонни анчадан бери танийсиз, бирга ишлайсиз, дўстсизлар, унинг қандай одамлигини яхши биласиз. Мен сизга ишонаман. Бир-икки ҳамсухбат бўлиб, унинг ёмон одам эмаслигини ўзим ҳам билганман. Лекин турмуш масаласи жуда мураккаб, бу масалада шошмайлик, қолаверса, ота-онам нима дейди, менинг гапларимни у киши яхшилаб ўйлаб кўрсин», деб мен билан хайрлашди.

Назиранинг сўзларини Муҳаммаджонга етказдим. У ўйланиб қолди. Сўнг «Назирахон билан

чиқадиган «Книжное обозрение» газетасига юбораман» дедим. У мақолани бирпасда рус тилига таржима қилиб берди. Кейин уни почта орқали юбордим. Орадан кўп ўтмай, мақола газетда чиқди. Муҳаммаджон мени табриклади. Бошқа ҳамкасблар ҳам хурсанд бўлишди. Аммо мақоланинг эълон қилиниши бир кишига, яъни жамоа раҳбари Ғулом Пулатовга ёқмади. У киши хонасига чақиртириб «Нега мендан сўрамадсан мақола ёзасан» деди. Мен ишхонамиз фаолияти ҳақида олдин ҳам шунга ўхшаш мақолалар ёзганимни айтиб «Ё бирор хатоси борми?» деб сўрадим. У киши саволимга жавоб бермасдан «Ишдан бўшаш ҳақида ариза ёз» деди.

Хонага асабим бўзилган ҳолда қайтдим. Ҳолатимни кўрган Муҳаммаджон «Нима гап, тинчликми?» деб сўради. Унга туриб воқеани айтиб бердим. У нияҳтда ажабланди. Ўз ташкилоти томонидан ўтказилган тадбирнинг аҳамияти ҳақида собиқ иттифон микёсидаги газетдаги мақола ёзган журналистга раҳмат айтиш ўрнига, уни ишдан бўшатаётган раҳбарнинг қилигидан хайрон бўлди. Бирпасдан кейин «Бу ерда қандайдир тушунмовчилик бўлса керак, Ғулом ака билан гаплашаман» деди-да, хонадан

чиқиб кетди. Унинг бу ҳаракатидан беғараз дўстлик меҳрини сездим ва ич-ичимдан ундан миннатдор бўлдим.

Тез орада Муҳаммаджон мендан ҳам ортиқ асаби бузилиб, хонага кириб келди. Бу ишни шундай қолдирмаслик кераклигини, эртагаёқ Назир ота билан гаплашиш зарурлигини айтди. Ўша пайтда халқ ёзувчиси Назир Сафаров Китобхонлар жамиятининг фахрий раиси мақомида эди. Муҳаммаджон у киши билан жуда яқин муносабатда эди. Мен Муҳаммаджонга гишт қолдидан кўчганини, бундай муносабатдан кейин бу ерда ишлаш олмаслигини айтиб, котибага аризмани топишрдим. Бир ойча бўш юргақ, телевидениенинг адабий-драматик кўрсатувлар тахририятига муҳаррир бўлиб ишга кирдим. Юқоридеги воқеа сабаб бўлдимки ёки бошқами, билмадим, кўп ўтмай Муҳаммаджон ҳам у ердан бўшаб, «Тошкент окшоми»га ўтиб кетди.

Кунларнинг бирида шоир телефон қилиб «Бахтиёр дўстим, Назирахоннинг розилигини олдим, кейинги ҳафта отам келади, бирга бориб уйдагилари билан бир учраштирамангиз» деди. Мен рози бўлдим. Орадан бир ҳафта ўтгач, Марҳаматдан Юсуф ака келди. Бошида барра терисидан тикилган телпак, эғнида костюм, оёғида хром этик, қўлида туғунча тутган бу дехқонсифат кишига разм солиб, шоир дўстимнинг шеърларидаги оддийлик ва самимият бежиз эмаслигини дилимдан ўтказдим. Иккалаимиз трамвайда Бодомзорга бордик. Домла ва Шаҳрибону янга бизларни дастурхон ёзиб, қутиб олишди. Лекин улар қизларини Муҳаммаджонга бериш ҳақида тайинли гап айтишмади. Менимча, улар барча ота-оналар каби қизларининг тақдиридан хавотир олиб, иккиланишар эди...

Орадан бир неча кун ўтгач, Назир Сафаров ва у кишининг умр йўлдоши Мукамбар ая совчиликка бориб, ишни пишириб келишди. Тўй 1984 йил 31 октябрь куни бўлди.

Орадан йиллар ўтди. Севги тарихига гувоҳ бўлганим бу икки ёшнинг фарзандлари – Маъсуда, Нозима, Мадина тугилиб, қамолга етди. Яхши шоира бўлиши мумкин бўлган Назирахон шу фарзандларини деб, шеърятдан, орзу-ю максадларидан воз кечди. Ҳаётини Муҳаммаджонга, унинг ижод онларига бахшида этди. У умр йўлдоши ёзган шеърларнинг биринчи ўқувчиси ва таҳлилчиси бўлди.

...Муҳаммад Юсуф ҳаётдан жуда эрта кетди. Ижоди барқ уриб гуллаган бир пайтда, уни яхши кўрадиган мухлислари билан учрашув вақтида оламдан ўтди. Аммо унинг қалб қўри ва фикр-шууридан яралган шеърлари ҳеч қачон ўлмади. Диллардан дилларга, авлодлардан авлодларга ўтиб яшайверади.

Бахтиёр
МУҲАММАДИЁВ,
журналист

MYACCIS:



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan SEDILOV,
Qutlimurot BOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehrididdin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERHATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi –
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-90) 080-93-38
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati –
(+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida qabul qilish shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Haydarov

Musahhih:
D. Xudoyberganova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:50
Topshirildi – 00:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 139 ta
Shundan: 7404 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 249 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

8486 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G 411

1 2 3 4 5 6

Реклама ҳуқуқида

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК
ҲОСИЛАСИ

Мамлакатимизнинг қатор банкларига трансформация жараёни давом этапти. Илғор халқаро тажрибалар ўрганилиб, уларнинг мақбул жиҳатлари банк тизимимизга жорий қилиняпти.

Йил бошида «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ ходимлари Сбербанкнинг Москва шаҳридаги офисида бўлиб, ўзаро тажриба алмашишди. Яқинда эса халқаро экспертлар мамлакатимиз молия муассасида бўлиб, банк ислохотларига «Agile» услубининг қулайликлари билан таништиришди.

Банкларнинг трансформациясида Agile услубини қўллаш жуда муҳим, – дейди Стратегия Бош директори Б.Раҳматов. – Бунда раҳбарлардан бошқарувнинг самарали йўлларини топиш, уни тўғри йўлга қўйиш, янги ғоя ва янги ташаббуслар билан чиқиш, илғор технологияларни жорий этиш талаб қилинади. Шунингдек, раҳбарга етакчилик қилиш ва мураккаб вазиятларда масъулиятни ўз зиммасига олиш кўникмаси ҳам керак бўлади.

Сбер университети ва Sbergile мутахассислари билан биргаликда «Ўзгаришларни бошқариш (Change management)» мавзусида ишлаб чиқилган ўқув дастури айнан шу максадларни илгари суради.

Халқаро эксперт бошчилигида молия муассасаси ходимлари учун «Ўзгаришларни бошқариш ва Agile методи» мавзуси-

даги ўқув машғулотлари ўтказилди. Сбер университети билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган мазкур дастурдаги машғулотлар интерактив тренинг тарзида олиб борилади. Машғулотларда замонавий банкнинг бошқарув механизми ва усуллари ўрганилди.

Семинар-тренинг давомида Sbergile етакчиси Антон Савельев банк тизимидаги институционал трансформация жараёнларида янгича механизмларни ўзлаштириш ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари, ўзига хос жиҳатлари ҳамда замонавий бошқарув моделлари бўйича маҳорат дарсларини ўтказди.


– Хорижий мутахассислар ҳамкорлигида 3 ой давомида онлайн ва офлайн ўқув жараёнлари амалга оширилди. Бунда банкнинг раҳбар ходимлари асосан «Ўзгаришларни бошқариш моделлари» (Курт Левин, ADKAR), банкни ривожлантиришда «Agile» методининг аҳамияти (Коттер модели), ўзгариш жараёнларида диагностика ишларини амалга ошириш, ўзгаришларда юзага келадиган қаршиликлар билан ишлаш инструментлари, шунингдек, ходимларни мотивация қилиш ҳамда лидерлик кўникмаларининг ривожланишга таъсир этувчи омиллари кўриб

чиқилди, – дейди Банкни стратегик ривожлантириш департаменти директори О.Шукурова. – Яъни, ўзгарувчан вазиятда хозиржавоблик билан қарор қабул қилиш ҳамда тезкор қарор қабул қилиш ҳолатлари бўйича кенг ва атрофлича тушунча берилди. Шунингдек, тренинг давомида иштирокчилар ўз билимларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, бошқарувнинг янги усулларини ўрганиш имконига ҳам эга бўлилар.

Уч ойлик ўқув дастурида банкнинг 30 нафар етакчи ходими фаол иштирок этиб, Сбер университетининг сертификатларига эга бўлди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»

Хизматлар лицензияланган



Қувончбек ТЎРАЕВ олган суратлар

Ўқув-машғулот